**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Sc.29.11.2018.Fil.46.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМАМАТОВ СУЛТОНБЕК ЭРМАМАТОВИЧ**

# ЎЗБЕК ЛУҒАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**УЎК 81’373:821.512.133 (043.3).**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological Sciences**

**Нормаматов Султонбек Эрмаматович**
Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида
жадид маърифатпарварларининг ўрни .................................................... 3

**Нормаматов Султонбек Эрмаматович**
Роль джадидских просветителей в формировании и развитии
узбекской лексикографии ........................................................................ 33

**Normamatov Sultonbek Ermamatovich**
The role of jadid englighteners in birth and development
of uzbek lexicography.......................................................................... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works …………………………………………………….. 67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Sc.29.11.2018.Fil.46.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРМАМАТОВ СУЛТОНБЕК ЭРМАМАТОВИЧ**

# ЎЗБЕК ЛУҒАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ЎРНИ

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.DSc/Fil100 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий маслаҳатчи:** | **Тожиев Ёрмат**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Холманова Зулхумор Турдиевна**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| | **Улуқов Носиржон Мухаммадалиевич**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| | **Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович**<br>филология фанлари доктори |
| **Етакчи ташкилот:** | **Самарқанд давлат университети** |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.11.2018.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» ________ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй. Тел.: (871) 233-36-50; факс: (871) 233 -71- 44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси 13-уй. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» ___________куни тарқатилди.

(2019 йил «___» ______________даги ______рақамли реестр баённомаси).

**Н.М.Маҳмудов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Ё.Р.Одилов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д., катта илмий ходим

**Д.С.Худойберганова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида лингвистик тафаккур тарихини ўрганишга эътибор кучаймоқда. Маълумки, XX аср дунё тилшунослиги бошқа фанлардан мустақил равишда самарали йўлни босиб ўтди. Айниқса, аср бошидаги сиёсий вазият унда ўз изларини қолдирди: бу даврда амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарияти сиёсат ва давр мафкураси туфайли «ёпиқ эшиклар» ортида сақланди, айримларидан кейинчалик танқидий фойдаланишга рухсат этилди. Асрнинг сўнгги чорагида дунё миқёсидаги глобаллашувнинг кучайиши сиёсийлашган ва мафкуравийлашган яқин ўтмиш даври ижтимоий фанлари, тилшунослиги, хусусан, луғатчилиги натижаларини ҳар томонлама холис баҳолаш учун улкан имконият яратди.

Дунё тилшунослигида лингвистик тафаккур ҳар доим ижтимоий муаммолар билан бирга тараққий этиб келди. Ижтимоий тузум, дунёқараш ва онг даражаси тадқиқотларда манбанинг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлигини, уларга қайси методологик асослар, ижтимоий буюртма ва талаблардан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлишни белгилаб беради. Бу тилшунослик, шу жумладан, лексикографик тадқиқотларга ҳам бевосита алоқадор. Зеро, фонетика ва грамматикага нисбатан лексикада давр руҳи кўпроқ акс этгани каби, бу ҳолат, ўз-ўзидан, лексикографик манбалар яратилишига ҳам таъсир қилади.

Миллий тараққиёт миллий тил мавқеи ва нуфузи юксалишида кўзга яққол ташланади. «Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда»[1]. Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар ўзбек тилининг ҳам Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг мавқеини кўтариш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар тилшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»[2]. Шу маънода ўзбек тилшунослигининг замонавий фан йўналиши даражасида шаклланиши ва ривожланишининг илк саҳифаси сифатида тарихда қолган XX аср бошларидаги тилшунослик меросини тадқиқ этиш миллий манфаатларимизни таъминлаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ишларида катта аҳамият касб этади. Ўзбек тилшунослигида бу давр тили ва тилшунослиги кенг кўламда ўрганилмоқда. Бироқ уларда давр лексикографияси масалалари тизимли ёритилган эмас. Шунга кўра, давр

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори // «Маърифат» газетаси. – Тошкент, 2019 йил 5 октябрь. –№77.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // www.lex.uz

луғатчилиги шаклланишига эҳтиёж, жадидларнинг ўзбек луғатчилиги ривожига қўшган ҳиссаси, улар яратган луғатларнинг лингвистик қиммати, луғат тузиш принциплари ва методологик асослари, уларнинг замонавий ўзбек лексикографияси ривожига таъсири каби масалалар ҳозиргача махсус монографик тадқиқ объекти бўлмаганлиги танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ҳамда инновацион ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[3].**

Марказий Осиё жадидчилик ҳаракати ва шу ҳаракат асосида шаклланган жадид адабиётини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Columbia University, California University, Indiana University (АҚШ), London University, Oxford University (Англия), Berlin-Brandenburgische Akademie der Wissenschaften AV, Göttingen Universität, Berlin Universität, Humboldt Universität, Goethe Universität (Германия), Tokio University (Япония), İstanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Yildiz Teknik Üniversitesi, Gaziantep Üniversitesi (Туркия), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyasi Dilçilik Institutu (Озарбайжон), шунингдек, Алишер Навоий

[3] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.istanbul.edu.tr., www.utu.fi (en.ankara.edu.tr)., www.hu-berlin.de., www.wisc.edu, www.cambridge-centralasia.org ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши, ривожи, йирик намояндалари фаолияти билан боғлиқ тарихий, илмий-адабий, лингвистик, ижтимоий-сиёсий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Туркистонда жадидчиликнинг шаклланиши, унинг ғоявий мақсади, ривожи, йўналишлари, матбуотнинг сиёсий оқимларнинг шаклланишидаги таъсири каби масалалар асослаб берилган (Columbia University, University of California, АҚШ); Туркистон жадидчилигининг илдизлари, йирик намояндаларининг сиёсий фаолияти очиб берилган (Indiana University, АҚШ); жадидчилик ҳаракати намояндаларининг ўз асарларида янги таълим усулларининг самарадорлигини олға сурганликлари асослаб берилган (Berlin University, Германия); жадидларнинг замонавий реалистик адабиётни шакллантиргани, мазкур даврда янги адабий тур ва жанрлар пайдо бўлганлиги, адабиётнинг бош мақсади миллатни уйғотишга қаратилгани ёритилган (Tokio University, Япония); жадид бадиий асарларида умумтуркий тилни шакллантириш ғоялари илгари сурилгани, «Чиғатой гурунги» аъзоларининг адабий тилни жонли сўзлашув тилига яқинлаштириш масаласида олиб борган фаолиятлари очиб берилган (İstanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Yildiz Teknik Üniversitesi, Gaziantep Üniversitesi (Туркия); муайян ижодкорнинг сўз қўллаш ва бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати, қисман луғатчилик фаолияти асосланган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон).

Жаҳон тилшунослигида луғатчилик тарихи, луғатчиликнинг тарихий тараққиёти, луғат тузиш қонуниятлари, янгича типдаги луғатларни яратиш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўтмишда яратилган луғатларнинг структураси ва моҳиятини тавсифлаш, уларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш; ноёб қўлёзма сифатида сақланаётган тарихий луғатларнинг яратилиш тамойилларини тадқиқ этиш; замонавий ахборот технологияларининг функционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда электрон луғатлар яратиш; тезаурус (тил хазинаси) типли луғатлар яратиш; тил бирликларининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида қидирув дастурига бўйсундирилган матнлар жамланмаси – тил корпусларини яратиш; ўқитувчи ва ўқувчи учун тил ўргатишни мақсад қилувчи корпусларни яратиш («Учебный корпус русского языка», «Leaner corpus of english» шулар жумласидан); муайян ижодкор асарлари тили бўйича конкорданс, тезкор (частотали) луғатларни яратиш; умумий ўқув жараёнинг узвий қисми бўлган, дарсликларга мослаштирилган ўқув луғатларини яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтган асрнинг охири, айниқса, мустақиллик йилларида XX асрнинг 20-30-йилларида ижод қилган ўзбек адибларининг бадиий, илмий ва публицистик асарларини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бунга М.Қурбонова, Б.Тўйчибоев, М.Йўлдошев, Ё.Сайидов, Ф.Бобожонов, Д.Неъматова, Т.Тоғаев,

З.Чориева, Л.Жалолова ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин[4]. Жумладан, М.Қурбонова, Б.Тўйчибоев, Ё.Сайидов тадқиқотларида Абдурауф Фитратнинг тил, адабий тил, адабий меъёр, халқ жонли тили ва шеваларига оид назарий қарашлари ёритилган бўлса, М.Йўлдошев ҳамда Д.Неъматованинг номзодлик диссертацияларида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи тили мисолида адибнинг бадиий тил маҳорати, публицистик асарлари тилининг лексик-семантик хусусиятларини белгиловчи қатор омиллар таҳлил қилинган. Л.Жалолова Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи лингвистик таҳлилига бағишланган тадқиқотида жадид даври ўзбек адабий тилида эски ўзбек тилига хос белгилар сақланиши билан бирга, ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларининг шаклланиш жараёни ҳам намоён бўлганлигини илмий таҳлилларида асослаган. Ф.Бобожонов ўз тадқиқотида жадидчилик вакиллари драмаларининг ўзбек миллий адабий тили шаклланишидаги ролини Беҳбудий ва Авлоний асарлари лексикаси мисолида ёритган.

XX аср бошларидаги лисоний жараён, бу давр ўзбек тилининг тараққиёти ҳақидаги масалалар, ўзбек тили грамматикасига оид қарашларнинг қиёсий таҳлили, шунингдек, ўзбек адабий тилининг таянч диалектини белгилашдаги лингвистик мунозараларнинг назарий аҳамияти Ш.Бобомуродова[5], Қ.Қодиров[6], Ё.Саидов[7], Н.Янгибоевалар[8]нинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Мазкур ишларда жадид адабиёти вакилларининг ўзбек адабий тили ва тилшунослиги тараққиётига қўшган ҳиссаси у ёки бу даражада таҳлил қилинган бўлса-да, улар жадид маърифатпарварларининг ўзбек луғатчилиги шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида тўлиқ тасаввур бера олмайди. Чунки маърифатпарвар жадид адибларидан Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Ғози Олим Юнусов, Назир Тўрақулов, Вадуд Маҳмуд, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Исҳоқхон Ибрат кабилар ўзбек адабиёти, публицистикаси билан бирга миллий лексикографиянинг шаклланиши ва тараққиётида ҳам ўз ўрнига эга. Қайд этилган тадқиқотларда масаланинг бу жиҳати махсус ўрганилмаган, шу туфайли жадид адибларининг тил ва тилшуносликка муносабати масалаларини лексикография кўзгусида

---

[4] Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. – Тошкент, 1995; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Бобожонов Ф. Ўзбек жадид дармаларининг лисоний хусусиятлари (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002; Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006; Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

[5] Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожида Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002.

[6] Қодиров Қ. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан (20-йиллар ўзбек тилшунослиги материаллари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

[7] Сайидов Ё. Жадид бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. д-ри (DSc). ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

[8] Янгибоева Н. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилшунослиги жараёни («Маориф ва ўқитғучи» журнали материаллари асосида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2019.

умумлаштириб тадқиқ қилиш, улар тузган луғатларни лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда ўзбек луғатчилиги шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссасини илмий баҳолаш лозим.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жадид маърифатпарварларининг ўзбек луғатчилиги тараққиётидаги ўрнини концептуал белгилаш, улар яратган филологик луғатларнинг лингвистик талқинини амалга ошириш, уларнинг ўзбек замонавий лексикографияси тараққиётига таъсирини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIX аср охири ва XX аср бошидаги лисоний вазият ва жадид маърифатпарварларининг тил ҳамда тилшуносликка оид қарашларини таҳлил қилиш;

жадидчилик, унинг мактаб ва йўналишлари ҳамда жадидларнинг ўзбек филологик фанидаги хизматларини белгилаш;

давр луғатчилигининг шаклланишидаги ижтимоий эҳтиёж ва яратилган луғатларнинг манба ва методологик асосларини тавсифлаш;

луғат ижодкорлари – Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Исҳоқхон Ибрат, Назир Тўрақуловларнинг лексикографик фаолиятидаги ўзига хосликларни белгилаш;

жадид адибларининг луғат тузиш соҳасидаги фаолияти ва назарий фикрларини умумлаштириш орқали уларнинг ўзбек лексикографияси шаклланиши ва ривожидаги ташаббуси ва тажрибаларини илмий жамоатчиликка етказишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти**ни XX асрнинг 20–30-йилларидаги жадид маърифатпарварларининг лексикографияга оид асарлари, матбуотдаги мақолалари ҳамда луғатлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни жадид вакиллари луғатларининг хусусиятлари, уларнинг ўзига хослиги, манбалари ва методологик асослари, кейинги давр луғатчилигига қўшган ҳиссасини тадқиқ қилиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил, функционал-семантик, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

замонавий ўзбек луғатчилигининг асослари жадид маърифатпарварлари томонидан яратилганлиги, уларнинг туркий (ўзбек) луғатчиликка замонавий лексикографик тамойилларни олиб кирганлиги асосланган;

давр луғатларининг мазмуни (контент) ва тузилиши (структураси)ни ёритишда аввалги ва кейинги давр ҳамда ўз даври манбаларига қиёслаш усулининг афзаллиги кўрсатилган;

бир тилли луғатларга сўз танлаш, уларни изоҳлаш ва далиллашда анъанавий ва замонавий лексикографик тамойиллар уйғунлаштирилганлиги очиб берилган;

таржима луғатларида русча сўзларга ўзбекча муқобил сўз, сўз бирикмаси танлаш, изоҳлаш, тавсифлаш усуллари ва уларнинг комплекс қўлланганлиги асосланган;

давр луғатчилигининг кейинги давр таржима, изоҳли, терминологик; филологик ва энциклопедик луғатларнинг яратилишида методологик вазифа бажарганлиги исботланган, замонавий лексикографиянинг ривожланиш тенденциялари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жадид адибларининг луғатчилик фаолиятига доир материал ва хулосалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, ўзбек лексикографияси учун муҳим илмий-назарий маълумот беради, унинг назарий асосларини бойитади;

«Ҳозирги ўзбек тили», «Ўзбек тили тарихи», «Ўзбек тилшунослиги тарихи», «Лексикография асослари» фанлари бўйича яратилган, яратилажак дарслик ва қўлланмалар, ҳозирги ўқув ҳамда изоҳли луғатларнинг мукаммаллашуви учун хизмат қилади;

тадқиқот натижалари филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, илмий тадқиқотчилар ва соҳа мутахассисларининг билим ва малакасини оширишда манба бўлади;

жадид адибларининг ўзбек лексикографияси шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссасига доир материаллар, назарий маълумотлар ёш авлод дунёқарашини шакллантириш, уларда ватанга садоқат, она тилига, маънавий меросимизга бўлган муҳаббат туйғуларини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларнинг «жадидлар» деб аталувчи зиёлиларга муносабатининг тўғри шаклланишига ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лингвистик таҳлил методологияси негизида шакллантирилгани, бирламчи илмий-бадиий манбаларга таянилгани, ишончли ва самарали тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср бошлари ўзбек адабий тилининг муҳим хусусиятларига доир маълумотларни кенгайтириши, ўзбек тили лексикологияси, диалектологияси, ўзбек тили тарихи, ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши ҳамда жадид адибларининг ўзбек лексикографияси тадрижий такомилидаги хизматларини баҳолаш учун назарий асос эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жадид адибларининг тилшунослик, хусусан, луғатшуносликка оид фаолияти бўйича махсус курс ва семинарлар ўтиш, ихтисослик фанларини ўқитиш, «Ўзбек тили тарихи», «Ўзбек тилшунослиги тарихи», «Лексикография асослари» фанларидан

дарслик ва ўкув қўлланмалар яратиш, оммавий ахборот воситаларида жадид адабиёти намояндаларининг ўзбек лексикографияси ривожидаги ролини тарғиб этишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жадид маърифатпарварларининг луғатчилик фаолиятини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

жадид маърифатпарварларининг замонавий ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссасига оид, шунингдек, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Исҳоқхон Ибрат, Назир Тўрақулов каби жадид адибларининг лексикографик фаолиятидаги луғат тузиш принциплари, луғатларга сўз танлаш ва сўз қўллаш тажрибаларига оид диссертация натижалари ва илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2012 – 2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г041-сонли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 15 октябрдаги 3/1255-2733-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида ўзбек луғатчилигининг етарлича тадқиқ этилмаган XIX асрнинг охири – XX аср бошларидаги ҳолати бўйича, ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ўтган асрнинг 20–30-йилларидаги тадрижий такомили бўйича тавсифий маълумотлар кенгайган;

тадқиқотдаги жадид адибларининг тилга, тилшуносликка муносабати, шунингдек, давр луғатчилигининг шаклланиш зарурати, омиллари, манбалари ва жадидларнинг луғатчилик соҳасидаги фаолияти ҳақидаги илмий маълумотлардан Тошкент давлат педагогика университетида 2015–2017 йилларда бажарилган А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 майдаги 89-03-2324-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида лойиҳа материаллари жадид маърифатпарварларининг ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасига оид янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

жадид адиблари томонидан яратилган кўп тилли таржима луғатларидаги сўз танлаш, изоҳлаш, муқобиллари сақланишини таъминлаш, ўзбек тилидан бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган терминларнинг изоҳларини ёритиш, интерпретацияни амалга ошириш усуллари таҳлилига оид назарий маълумотлардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017–2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-018 рақамли «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа бажарилишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3907-сонли маълумотномаси). Натижада

лойиҳа доирасида банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш тамойилларининг мукаммал даражада ишлаб чиқилишига эришилган;

жадид адиблари луғатчилик фаолиятининг маҳсули сифатида ўзбек лексикографияси тарихида дастлабки кўп тилли таржима луғатларининг, дастлабки терминологик луғатларнинг, дастлабки ўқув луғатларининг шаклланишига оид назарий фикрлар ва фактик материаллардан 5220100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган «Ҳозирги ўзбек тили» дарслигининг «Лексика, лексик-семантик сатҳ, лексикология ва лексикография» деб номланган қисмини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3907-сонли маълумотномаси). Натижада дарсликдаги лексемаларнинг тарихий тараққиёт босқичларидаги ўзгаришлари, маълум бир тилдаги лексемани қариндош бўлмаган бошқа тилдаги лексема билан қиёслаш, лексеманинг лексикографик талқинига оид маълумотлар назарий ва амалий жиҳатдан бойиган;

жадид адибларининг илмий-адабий мероси, уларнинг ўзбек миллий тили, унинг асосини ташкил этувчи давр адабий тилининг ривожидаги ўрнини аниқлашга, жадид луғатчилигининг ўзбек лексикографияси тадрижий такомилидаги мавқеини белгилашга доир назарий хулосалар асосида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma’rifat» телеканалида 2016–2017 йилларда эфирга узатилган «Go‘zal yozg‘ichlar» кўрсатуви сценарийларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma’rifat» телеканалининг 2019 йил 18 октябрдаги 01-16/431-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 5та халқаро ва 8та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25та илмий иш чоп этилган, шулардан 1та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11та мақола (шу жумладан, 9таси республика ва 2таси хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми – 243 саҳифа.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқотнинг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Жадид маърифатпарварлари ва давр тилшунослиги»** деб номланган биринчи боби уч бўлимдан иборат. ««Жадид» ва «жадидчилик» тушунчалари ҳақида» деб номланган биринчи бўлимда дастлаб XIX аср охири ва XX аср бошида Марказий Осиё халқларини таназзул ҳолатидан олиб чиқиш учун курашган зиёлилар, адиблар, матбуотчилар, баъзи бадавлат шахслар, айрим дин вакиллари, педагоглар, илғор ишчилар гуруҳи аъзоларининг мазкур мақсад доирасидаги ҳаракати хусусида фикр боради. Кузатишларимиз жадидчилик ҳаракати, уларнинг етакчи ва иштирокчилари, ҳаракатларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштириш, *жадид* ва *жадидчилик* сўзлари туб маъносини аниқлаш ва изоҳлаш борасидаги мунозарали фикрларни муайянлаштириш лозимлигини кўрсатди.

Маълумки, *жадидчилик* адабиётларда ислоҳот ва маърифат асосида кишиларни қарамлик ва таназзулдан олиб чиқувчи ҳаракат, кураш усули сифатида тавсифланади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *жадид* ва *жадидчилик* атамаларининг моҳияти тавсифида шўро мафкураси таъсири сезилиб туриши таъкидланади[9]. Профессор Б.Қосимов талқинича, «*жадидчилик* асосида *жадид* термини ётади. *«Жадид»*нинг маъноси *«янги»*, ё бўлмаса, *«янгилик тарафдори»* дегани эмас, балки *«янги тафаккур»*, *«янги инсон»*, *«янги авлод»* сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган»[10]. Дарҳақиқат, *жадид* сўзи арабча, 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилишича, *янги, охирги* маъноларини билдирувчи сифат туркумига оид сўздир. Луғатда отлашганлиги айтилмаган ҳолда *тар.* ишораси билан «янгилик тарафдори, жадидчилик ҳаракатининг қатнашчиси» дея изоҳланиб, шахс оти сифатида берилади[11].Термин (ёки сўз) нинг отлашган ёки отлашмаганлигини изоҳламасдан туриб, бу сўзга *«янги»* ёки *«янгилик тарафдори»* тарзида изоҳ беришга қўшилиш қийин. Бунда муаммо шундан иборатки, аввал *жадид* терминининг тўғри ва аниқ изоҳини белгилаб олиб, сўнг *жадидчилик* терминининг изоҳини у орқали аниқлаштириш керак ёхуд *жадидчилик* терминининг тўғри ва аниқ изоҳини белгилаб, унинг асоси ҳисобланган *жадид* терминининг туб моҳиятини у орқали муайянлаштириш лозим бўлади. Мавжуд адабиёт ва луғатларда бу терминнинг изоҳлари ҳам ҳар хил, аммо туб моҳиятга яқин келган изоҳлар ҳам учрайди: «*Жадидчилик* тар. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида туркий халқлар ва тожиклар орасида юзага келган, Туркистон халқларининг манфаатларини ифодалаган, маърифат учун курашган, ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилган, диний мактабларнинг дастурларига дунёвий фанларни киритишга интилган

---

[9] Қодирова М. Иброҳим Даврон ва унинг адабий мероси: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 5.
[10] Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.5.
[11] Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 64

маърифатпарвар оқим»[12]. Изоҳ таҳлил қилинса, қуйидаги камчиликлар кўзга ташланади: 1) жадидлар фақат Туркистон халқларининг манфаатинигина кўзда тутган эмас; 2) фақат маърифат учунгина курашган эмас; 3) ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилиш тарафдорларигина бўлган эмас; 4) диний мактаблар дастурларига дунёвий фанларни киритишгагина интилган эмас. Изоҳда *жадидчилик ҳаракати*, асосан, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган, шу йўлда курашган кишилар жамоаси, оқими бўлиб қолган. Энди иккинчи изоҳни келтирамиз: «*Жадидизм*» (араб. «усули жадид» – янги усул иборасидан) – буржуа миллатчилик ҳаракати, татар буржуазияси орасида (XIX асрнинг 80-йилларида) вужудга келган, сўнгра (XIX асрнинг 90-йилларида) Ўрта Осиёга тарқалган, *жадидизм* номли бу оқим дастлабки тарафдорларининг мусулмонча ўқитишни европача таълим бериш йўли билан ислоҳ қилиш, капитализмнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор феодал сарқитларни бартараф этиш, капиталистик жамиятнинг тараққий этиши эҳтиёжига мослашиш йўлидаги уринишлари билан боғлиқ. Инқилобдан кейин жадидлар совет ҳокимияти душманлари қаторига ўтдилар, босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этдилар»[13]. Бу изоҳдаги камчиликларга тўхталадиган бўлсак, биринчидан, жадидчилик (том маънодаги жадидчилик кўзда тутилмоқда) татар буржуазияси орасидагина тарқалмаган ва у Ўрта Осиёга XIX асрнинг 90-йилларида ёйилган эмас. Шунингдек, Ўрта Осиёда буржуа вакиллари орасидагина эмас, балки етакчи зиёлилар орасида тарқалиб, маърифатпарварларни ҳам, демократларни ҳам ўзида жипслаштира олган эди. Иккинчидан, изоҳда жадидизм (жадидчилик) ҳаракатининг асосий мақсади мустақилликка эришиш учун барча кучларни бирлаштириш, бутун халқни уйғотиш, уларнинг онги, билим даражаси, умумий савиясини ошириш, тўсиқ бўлаётган ҳамма нарсани йўлдан олиб ташлашга интилишни таъминлашга тайёргарлик кўриб, маҳаллий амалдор, мутаассиб диндор ва уламоларнинг ҳам онгини ўзгартириш, миллатнинг мустақил турмуш тарзини шакллантириш эканлиги ўз ифодасини топмаган. Жадидчиликнинг Шўро ҳукумати душманига айланиши ҳам, айнан, мана шу билан боғлиқ. Жадидчиликнинг туб моҳияти, маъноси эрк, миллат мустақиллиги учун курашувчи оқим эканлигидир. Унинг вакиллари чуқур тафаккур, кенг билим, юксак маърифат, мустаҳкам аҳиллик, уюшганлик, сабр-тоқат билан эркка эришишга ҳаракат қилувчилар; жадидчилик эса уларни бирлаштирган оқим – ҳаракат, фаолият. Жадидлар мустақилликка маърифат билан ҳамма инсонларнинг онгини тубдан, тинч йўл билан тизимли тарзда ўзгартиришга эришиш орқали таназзулдан чиқиш тарафдорларидир.

«Жадидчилик мактаб ва йўналишлари» деб номланган иккинчи бўлимда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистонда, унинг атрофидаги туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда «маълум етакчилар» бошчилигида махсус уюшма сифатида шаклланган жадидчилик мактаб ва

---

[12] Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 64.
[13] Атеистик энциклопедик луғат – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1988. – Б. 151.

йўналишлари хусусида фикрлар билдирилган. Бу уюшмаларни «Бухоро жадидчилик уюшмаси – мактаби», «Қўқон жадидчилик уюшмаси – мактаби», худди шу каби Наманган, Самарқанд, Тошкент жадидчилик уюшмалари – мактаблари сифатида ҳам қайд этиш мумкин. Жумладан, Тошкентда Абдулла Авлоний ёки Мунавварқори Абдурашидхоновларнинг жадидчилик мактаби фаолият кўрсатган бўлса, Наманганда Ибрат жадидчилик мактаби фаолият кўрсатган. Туркистон ўлкасидаги барча жадидчилик мактаблари вакиллари ҳам, маърифатчилар каби давр адабиётининг бош вазифасини янги инсонни тарбиялаш деб белгилади. Янги очиладиган, ташкил этиладиган мактаблар ҳам асосий вазифа сифатида янги инсонни тарбиялаш масаласини қўйди. Бу вазифани бажаришни бош мақсад деб билган, жадидчилик ҳаракати вакиллари «жадид мактаби» номини олган янги мактаблар яратишга интилганлар. Диссертацияда бу каби мактабларнинг фаолият йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Бобнинг учинчи бўлими «Жадид маърифатпарварларининг тил ва тилшунослик бўйича фаолияти» деб номланади ва унда жадид адибларининг тилга, тилшуносликка оид қарашлари таҳлил қилинди. Бунда мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида мазкур муаммо доирасида олиб борилган илмий – тадқиқот ишларига[14] муносабат билдирилди. Тадқиқотларда талқин этилган ва талқиндан четда қолган муаммолар ҳақида фикр юритилди. Давр луғатчилиги ана шундай муаммолар марказида туриши, хусусан, луғатларнинг методологик асослари, манбалари, структураси, луғатчиликнинг кейинги ривожига таъсири каби қатор масалалар шулар жумласидан эканлиги асослаб берилди.

Диссертациянинг **«Давр луғатчилиги: тарихи, шаклланиш жараёни, манбалари»** деб номланган иккинчи боби ўзбек лексикографияси тадқиқи бўйича амалга оширилган ишлар тавсифи, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги ўзбек луғатчилигининг ҳолати, давр луғатчилигининг шаклланиш манбалари ҳамда бу даврдаги луғатларнинг яратилишида юзага келган ижтимоий эҳтиёж ва зарурият масалалари тадқиқига бағишланган.

«Ўзбек лексикографик тадқиқотлари тарихига доир» деб номланган биринчи бўлимда Ўзбекистонда XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб амалга оширила бошланган лексикографик тадқиқотлар монографик ва мақола шаклидаги тадқиқотлар сифатида таҳлил этилган. Монографик тадқиқотлар

---

[14] Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Шу муаллиф. Жадид бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. д-ри (DSc). дисс. автореф. – Тошкент, 2018; Бобожонов Ф. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002; Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Тоғаев Т. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006; Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

сифатида икки тилли луғатлар таҳлили Х.Фаттоҳов[15], Т.Қодиров[16], Қ.Муҳиддинов[17], Э.Умаров[18], Ш.Файзуллаева[19], Н.Расулова[20], М.Зияевалар[21] ишларида амалга оширилган. Монографик тадқиқотлар орасида Б.Ҳасановнинг «Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатларнинг тузилиш принциплари»[22] номли диссертацияси ўзининг кенг қамровлилиги, таҳлилларининг ишончлилиги билан ажралиб туради ва унда «Бадоеъ ул-луғат», «Абушқа», «Санглоҳ», «Луғати атрокия» асарлари таҳлил қилинган.

Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чиғатойи ва турки усмоний» асарида сўзларни изоҳлаш принциплари ўрганилар экан, луғатда синонимлар орқали изоҳлаш, антонимлар орқали изоҳлаш, этимологик маълумотлар бериш ҳамда лексикографик белгилар орқали изоҳлаш усуллари қўлланганлиги муаллифлар томонидан алоҳида таъкидланган[23].

Н.Шарахмедова ўз тадқиқотида «Хамса ба ҳалли луғат» асарида муаллиф сўзларнинг изоҳини беришда уларнинг синонимларини келтириш, эквивалентларини келтириш ва кичик изоҳ бериш усулларидан фойдаланганлигини эътироф этади[24].

Монографик тадқиқотлар сирасида уч тилли луғатлар таҳлили С.Ғафурованинг «Салоҳиддин Тошкандий «Луғоти салос» асарининг лексикографик хусусиятлари» номли диссертациясида[25] акс этган. Муаллиф диссертацияда «Луғоти салос»нинг асосий лексикографик хусусиятларини изоҳлар экан, асарнинг бошқа луғатлардан фарқ қилувчи асосий лексикографик белгилари сифатида унинг уч тилли (арабий-форсий-туркий) луғат эканлигини, уржуза (ражаз баҳрида, шеърий усулда ёзилган) илмий асар эканлигини, идеографик луғат сифатидаги мақомини кўрсатади.

Луғатларнинг тили таҳлилига бағишланган монографик тадқиқотлар орасида Ҳ.Дадабоевнинг «Девону луғотит турк»нинг тил хусусиятлари»[26] номли тадқиқоти «Девон»да қайд этилган уруғ, қабила, қавм ва халқлар

---

[15] Фаттахов· Х. Мухаммад Риза Хаксар и его «Мунтахаб ал-лугат»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974. – 32 с.

[16] Кадиров Т. Филологическое исследование словаря «Хуласа-и Аббаси» Мирзы Мухаммада Хойи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – 34 с.

[17] Мухиддинов К. «Санглах» Мирзы Мухаммада Махдихана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 35 с.

[18] Умаров Э. «Бадайи ал-лугат» и «Санглах» как лексикографические памятники и источники изучение староузбекского языка: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 47 с.

[19] Файзуллаева Ш. Исследование языка памятника XVв. «Китабу булгат ал-муштак фи-лу-гат ат-турк ва-л-кифчак» Жамаладдина ат Турки: Автореф. дисс … канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 22 с.

[20] Расулова Н. Исследование языка «Китаб ал-идрак ли-лисан ал-атрак» Абу Хаййана: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 22 с.

[21] Зияева М. Исследование памятника XIV в. «Китаб ат-туҳфат уз закийа фил-лугатит-туркийа». – Ташкент, 1972. – 86 с.

[22] Хасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 46 с.

[23] Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 169 - 176.

[24] Шарахмедова Н. Словарь «Хамса ба халли луғат» как источник узбекской исторической лексикографии: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – С.15.

[25] Гафурова С. Салоҳидин Тошкандий «Луғоти салос» асарининг лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. ... автореф. – Тошкент, 2018. – 51 б.

[26] Дадабоев Ҳ. «Девону луғатит турк»нинг тил хусусиятлари. – Тошкент: ТДШИ, 2017. – 135 б.

тиллари материаллари мисолида қорахонийлар давридаги эски туркий тилнинг фонетик ва лексик-семантик хусусиятлари кенг таҳлил этилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мақола шаклидаги тадқиқот ишлари қуйидаги соҳаларда олиб борилган: а) луғатчилик тарихига оид ишлар; б) луғатлар таҳлил қилинган ишлар; с) луғатлардаги муайян муаммолар таҳлилига бағишланган ишлар.

Луғатчилик тарихига оид ишлар сирасига Х.Фаттоҳовнинг «Ўзбек лексикогафияси тарихига бир назар», «Луғатчилигимиз тарихидан» мақолалари тааллуқли бўлиб, уларнинг иккинчисида муаллиф луғатчилик тарихини даврларга ажратишга ҳаракат қилган. Бу тоифадаги ишларга ҳисобот мазмунидаги мақолаларни ҳам киритиш мумкин. З.Маъруфов ва Г.Михайловларнинг «Ўзбек совет лексикографияси»[27], шу муаллифларнинг «Ўзбек лексикографиясининг 50 йили» мақоласида[28] «Девону луғатит турк», ўрта асрларда Алишер Навоий асарларига тузилган луғатлар, В.Радлов, Л.Будагов, Н.Золотницкий луғатлари, А.Старчевский, В.Наливкин ва М.Наливкина, С.Лапин луғатлари, ўтган асрнинг 20-йилларига оид бўлган К.Юдахиннинг «Ўзбекча-русча луғат»и ҳамда 1941 йилдан 1959 йилгача бўлган даврда яратилган ўзбекча-русча, русча-ўзбекча луғатлар тўғрисида маълумот берилган, бироқ таҳлил қилинмаган.

Луғатлар таҳлил қилинган диссертацион ишларга Г.Михайловнинг ўзбекча-русча луғатлар таҳлилига бағишланган «Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданные в советский период» мавзусидаги номзодлик диссертациясини киритиш мумкин[29]. Муаллиф унда бу типдаги луғатларнинг яратилишида қўлланган тамойиллар, сўз танлаш асослари тўғрисида фикр юритган. Унинг аниқлашича, ўзбекча сўзларнинг русча таржимасини беришда луғат тузувчилар турли тамойилларга асосланишган. Дастлабки русча-ўзбекча луғатлар ҳақида А.Ҳожиев маълумот беради. Унда П.С.Паллас томонидан тузилган, 381та русча сўзни ўз ичига олган луғатда ўзбекча ва тожикча сўзларнинг транскрипцияда берилганлиги ва унинг кўп ўринларда нотўғри амалга оширилганлиги кўрсатилади, лекин ўзбекчага таржима қилиш жараёнида қўлланган тамойиллар тўғрисида фикр баён қилинмаган[30]. Ўзбекча-туркча луғатлар ҳақида Э.Умаровнинг мақоласи эътиборли[31]. Унда «Абушқа» деб номланган луғатнинг тузилиш принциплари тўғрисида муайян маълумот олиш мумкин. С.Акобировнинг мақоласида луғатларда қўшма сўзларнинг берилиши билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган ва унда муаллиф бу масалада қуйидагича иш тутишни тавсия этади: фақат бир сўз ҳолига келган қўшма сўзларни бош сўз қилиб олиш; қўшма

---

[27] Маъруфов З., Михайлов Г. Ўзбек совет лексикографияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. - № 6. – Б. 32-41.

[28] Маъруфов З., Михайлов Г. Ўзбек лексикографиясининг 50 йили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1947. - №5. – Б. 70-72.

[29] Михайлов Г. Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданные в Советский период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1960. – 26 с.

[30] Ҳожиев А. Энг кўҳна русча-ўзбекча луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. - №1. – Б. 72-73.

[31] Умаров Э. Янги топилган Навоий асарлари луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. - №4. – Б. 76-78.

сўзларни уя тартибида луғатда акс эттириш; қўшилиб ва ажратиб ёзиладиган сўзлар назариясига асосланган ҳолда сўзларни луғатга киритиш[32]. А.Ҳожиев ўз мақоласида изоҳли луғатларда қўшма аффиксли ясама феълларнинг берилишини таҳлил қилади ва бундай аффиксли ўзлашган феълларда *-моқ* ва *-ш* аффиксли вариантлар бериш шартлигини хулосада умумлаштиради[33]. Бу каби луғатлардаги муайян муаммолар таҳлили Р.Жомоновнинг «Ўзбек тили изоҳли луғатида диалектал сўзларнинг берилиши» номли мақоласида ҳам акс этган. Муаллиф мақолада 1981 йилда нашр қилинган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (Москва, 1981) 715та диалектал сўзга изоҳ берилганини кўрсатади ва уларнинг, асосан, тўғри изоҳланганини таъкидлагани ҳолда, баъзи ноаниқликларга ҳам йўл қўйилганлигини айтади[34].

«Давр луғатчилиги шаклланиш жараёни ва ўзбек тили ҳолати» деб номланган иккинчи бўлимда XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Туркистонда рўй берган лингвистик жараён ва давр адабий тилининг хусусиятлари ёритилган. Давр тили ҳолати жадид луғатчилиги шаклланишига катта ижтимоий эҳтиёжни ҳозирлаган эди. Бу даврда, бир томондан, ижтимоий-сиёсий муаммолар, иккинчи томондан, таълим-тарбия, маориф муаммолари, учинчи томондан эса миллий тил, адабий тилга муносабат, тилни давр талабларига мослаш, унинг умуммиллий адабий тил сифатидаги ривожланиш йўлларини белгилаш каби мураккаб назарий ва амалий, миллий ва маърифий масалалар бир-бири билан қоришиб кетган эди. Фикр юритилаётган даврда миллий тил (она тили) масаласи баъзи ҳолларда бир миллат муаммоси доирасидан чиққан ҳамда умумтуркий масала сифатида ҳам ўртага қўйилган эди. Бобнинг мазкур бўлимида олиб борилган кузатишлар асосида даврнинг умумий лисоний вазиятига, миллий тил, адабий тил ҳолатига умумлаштирилган ҳолда қуйидагича тавсиф берилди: 1) XIX аср охири ва XX аср бошида ижод қилган ёзувчиларнинг баъзилари анъанавий мумтоз адабиёт тили доирасидан чиқишга, тилни соддалаштиришга интилишар эди. Айрим адиблар эса эски ўзбек тили меъёрига амал қилган ҳолда ижод қилишарди; 2) ўзбек матбуоти (газета ва журналлар) тили қоришиқ услуб ва унсурга бой эди; 3) бу даврда қардош туркий тилларнинг ўзаро таъсири жонланиб, бир тилдан иккинчи тилга тақлид қилиш ҳолати мавжуд эди; 4) мафкуравий-лисоний қарашларда ҳар қайси туркий тилнинг мустақил ривожи инкор қилинар ва барча туркий халқлар учун умумтуркий тил яратиш ғояси олдинга суриларди; 5) давлат олиб бораётган тил сиёсати миллий тилларнинг ривожи ва тенглигига эмас, балки халқ ва элат тиллари ривожига тўсқинлик қилиш, мамлакатнинг барча ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларига миллатлараро тил сифатида ва бошқа мақсадларда рус тилини зўрлаб ёйиш ва сингдиришга қаратилган эди;

---

[32] Акобиров С. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. - № 6. – Б. 36-40.
[33] Ҳожиев А. Қўшма аффикслар ёрдамида ясалган феълларнинг изоҳли луғатда ишланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. - № 5. – Б. 24.
[34] Жомонов Р. Ўзбек тили изоҳли луғатида диалектал сўзларнинг берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. - №3. – Б.30.

6) бу даврда таълим тили «ислом тили» деб ҳисобланувчи араб тили, янги таълим даргоҳларида эса рус тили эди. Демак, таълим-тарбия соҳасига она тилини киритиш, унинг бу борадаги ўрни ва мавқеини тиклаш учун кураш мураккаб муаммолардан бири эди; 7) айрим илғор зиёлилар томонидан бир неча тилни билишни тарғиб қилиш, кўп тил билиш тараққиётни белгилашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашлар кучайган эди; 8) ёзув ва имло қоидалари масаласи, адабий тил учун асос бўлувчи лаҳжага муносабат масаласи ва бошқа муаммолар бор эди.

«Давр луғатчилиги манбалари» деб номланган учинчи бўлимда жадид луғатчилиги учун манба вазифасини ўтаган лексикографик ишларга тавсиф берилди. Жадид луғатчилиги шаклланишида узоқ тарихга эга мумтоз луғатчилигимиз бирламчи манба бўлиб хизмат қилди. Бунда туркий луғатчиликнинг шаклланиш даврида яратилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари, шунингдек, Абу Ҳайённинг «Китоби ал-идрок» ва муаллифи номаълум бўлган «Китоб - ат-туҳфатуз-закияти фил-луғатит туркия» асарлари, шунингдек, Алишер Навоий асарларини тушунишни назарда тутиб тузилган алоҳида луғатлар назарий ва амалий методологик аҳамиятга эга бўлди. «Бадоеъ ал-луғат», «Санглоҳ», «Луғати атрокия», «Мунтахаб ал-луғат», «Абушқа» каби яна кўплаб луғатлар шулар жумласидан. Шунингдек, XIX асрнинг бошларидан эътиборан Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиш нияти эҳтиёжи асосида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яратилган айрим луғатлар илмий манба вазифасини ўтаган. Жумладан, Л.Будаговнинг 2 жилдли «Сравнительный словарь турецко-татарских наречий» («Турк-татар лаҳжалари қиёсий луғати», СПБ, 1869 – 1971), В.Радловнинг 4 жилдли «Опыт словаря тюркских наречий» («Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси», СПБ., 1893 – 1911), В.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг 1884 – 1912 йилларда қайта-қайта нашр этилган «Русско-сартовский и сартовско-русский словарь» («Русча-сартча ва сартча-русча луғат»), С.Лапиннинг 1895 – 1914 йилларда тўрт марта нашр этилган «Карманный русско-узбекский словарь с приложением краткой грамматики узбекского языка», А.Афанасьевнинг «Словарь сартовских слов с главнейшими грамматическими правилами» (Скобелев, 1908), Н.Будзинскийнинг «Грамматика сартовского языка и русско-сартовские разговоры» (Ташкент, 1910) ҳамда «Материалы к изучению наречия сартов русского Туркестана» (Ташкент, 1908) каби кўпгина асар ва луғатларни кўрсатиш мумкин.

Ишнинг учинчи боби **«Жадид маърифатпарварларининг луғатчилик фаолияти»** деб номланади ва унда Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Исҳоқхон Ибрат каби жадид адибларининг луғатшунослик фаолияти ўрганилган.

Адиб Абдулла Қодирийнинг тилшунослик, хусусан, луғатчилик билан ҳам шуғулланганлиги ижодининг ўрганилмаган яна бир қиррасини намоён қилади. Бу даврда яратилган русча-ўзбекча луғатларнинг энг муҳимлари сирасида Абдулла Қодирий ҳамда С.Раҳматийлар томонидан яратилган «Русча-ўзбекча тўла сўзлик» (2-жилд, 34 минг сўз, Тошкент – Қозон, 1934)

таркиби, сўз танлаш принциплари, сўзларнинг маъновий, услубий, грамматик тавсифлари, луғат мақолаларининг тўлалиги жиҳатдан ўша даврда яратилган бошқа луғатлардан анча мукаммаллиги билан ажралиб туради. Бу ўринда адибнинг луғатчилик соҳасидаги фаолиятини ўзи томонидан тартиб берилган луғатдаги «П» ҳарфи доирасида берилган ўзбекча сўзликнинг лексикографик хусусиятлари мисолида таҳлил қилишни лозим топдик: 1) *таржимада русча сўзларнинг ўзбек тилидаги халқона вариантларини келтириш.* Абдулла Қодирий сўзликнинг «П» ҳарфини тузишдан олдин туркий луғатчилик, араб, форс-тожик луғатчилиги, усмонли турк луғатчилиги ва шунинг баробарида, рус луғатчилиги билан ҳам мукаммал танишиб чиққан. Аниқроғи, адиб луғатчиликнинг назарий ва амалий масалаларини чуқур ўзлаштирган ва пухта эгаллаган. Луғат ўша давр талаблари нуқтаи назаридан «Русча-ўзбекча тўла сўзлик» номи остида тузилган бўлса-да, русча сўзлар таржимасида адибнинг диққат марказида мумкин қадар соф ўзбекча, халқ тилидаги муқобилларини бериш биринчи ўринда турганлигининг гувоҳи бўламиз, масалан: *перемёрзлый – тўнгған, музлаб қолгон*[35]*; пересудчик – ғайбатчи, сўзчин (104); петрушка – кашниш, қоғурсоқ (123); паненка – ойимқиз, бикач, қақажон (13); паг – дара, участка, кент (1), пельмени – чучвара, барак (45); панел – салматахта (13); пемза – ёнғиртош (45); простыня – чойшаб, рўжа (453)* каби. Таржималардаги *тўнгған, сўзчин, қоғурсоқ, бикач, қақажон, кент, барак, салматахта, ёнғиртош, рўжа* каби сўзларнинг келтирилиши муаллиф халқ тилининг ҳам нодир билимдони эканлигини кўрсатади. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, айрим русча сўзнинг ўзбекча муқобили сифатида ўша сўзнинг адабий тил ва халқ шеваларидаги вариантлари ёнма-ён келтирилган: *папа – ота, дода (17); папаша – дадажон, ада (17); патат – ширин картишка (36); перекумиться – қуда, қудағайлашмоқ, қудайимлашмоқ (76); поднос – баркаш, хон, лаъли (200); подушка – ёстиқ, болиш, такя (218)* каби. Мисоллардаги *дода, ада, картишка, қудағай, баркаш, лаъли, болиш, такя* каби сўзлар халқ шеваларининг нодир бойликлари саналади. Адиб таржимада русча сўзнинг фақат адабий тилдаги шаклини келтириш билан чекланиши ҳам мумкин эди. Шунингдек, луғатда *палех – қишлоқ, ёвон (7); пара – эш, жуфт (19); перевзнуздать – қайтадан йуганламоқ, нўқталамоқ (57); перегрызание – ғажилов, кемирув (62); пила – арра, ёрғи (128); планзихтер – ғалвир, ситқи (140); плата – тўлов, ҳақ, музд (142); плетушка – саватча, гижик (147); повинность – мажбурият, бегор (164); подпруга – қайиш, айил, пуштан (206)* каби мисоллар учрайди. Муаллиф юқоридаги русча сўзлар таржимасида *ёвон, эш, нўқталамоқ, ғожилов, ёрғи, ситқи, музд, гижик, бегор, пуштан* каби сўзларни келтириши ҳар бир сўзнинг халқ орасидаги, муайян ижтимоий табақа, катталар ва болалар нутқида қўлланишидаги маъно қирраларини ҳам кўрсата олганлигидан далолат; 2) *иборалар ёрдамида изоҳлаш.* Абдулла Қодирий таржимадаги сўзлар изоҳини беришда нутқий таъсирчанликни таъминловчи услубий восита

[35] Қодирий А., Раҳматий С. Русча-ўзбекча тўла сўзлик. 2-жилд, П-Я ҳарфлари. – Тошкент — Қозон: Ўздавнашр, 1934. – Б. 81. Кейинги мисолларда қавс ичида луғат саҳифалари кўрсатилган.

сифатида фраземалардан унумли фойдаланган: *павлиниться – кеккаймоқ, катталик қилмоқ (1); перекоробить – эгмак, синдирмоқ, кўнглини оғритмоқ (74); перекрошивать – увоқламоқ, уваламоқ, майда-майда қилмоқ, тит-пит қилмоқ (75); перемогание – устун келув, баланд келув, қўл узун бўлув (83); пленять – асир қилмоқ, мафтун этмак, кўнглини олмоқ (145); повеселиться – хурсандлиқ қилмоқ, кўнгил очмоқ (162)* каби. Юқорида келтирилган мисоллардаги *катталик қилмоқ, кўнглини оғритмоқ, тит-пит қилмоқ, қўл узун бўлув, кўнглини олмоқ, кўнгил очмоқ* каби иборалар халқ тилида кенг истеъмолда бўлиб келган. Муаллиф таржимадаги сўзнинг лексик маъносини аниқроқ, тўлиқроқ кўрсатиш ва нутқий хосланишдаги кўринишидан ўқувчини хабардор қилиш мақсадида услубий бўёқдорликка эга фраземаларни лексемага синоним сифатида келтирган. Ушбу фразеологик бирликларнинг оддий халқ нутқининг луғавий нормаси экани луғат тилини халқ тилига яқинлаштирган, барча учун тушунарлилигини таъминлаган; 3) *кўчма маъноли сўзлар ёрдамида изоҳлаш*. Абдулла Қодирий луғатда русча сўзлар таржимасини изоҳлаб беришда кўчма маънода қўлланган бир қатор умумистеъмол сўзларни, мумтоз адабиёт тилида фаол ишлатилган анъанавий поэтик сўзларни маҳорат билан қўллаган ва ўзига хос изоҳлаш усулидан фойдаланган: *пение – ашула, қўшиқ, ашула қилув, сайров (46); пеня – ўпка, гина (48); перебиваться – зўрға кун кўрмак, қийинчилиқ билан тирикчилик қилмоқ (53); переглядка – қарашув, кўзлашув (60); пережигание – куйдирув, ёндирув, ўртов (67-бет)*. Мисоллардаги *сайров, ўпка, зўрға кун кўрмоқ, кўзлашув, ўртов* каби сўз ва сўз бирикмаларининг маънолари турли усулларда юзага келган ҳосила маънолардир. Муаллифнинг русча сўзларнинг ўзбекча муқобилларини ўз маъносидаги лексемалар қаторида кўчма маънодаги сўзлар ёрдамида ҳам изоҳлаши ўқувчини ўзбек тилидаги сўзларнинг сўзлашув ва поэтик нутқ талабларидан келиб чиққан ҳолда юзага келадиган хилма-хил кўчма, мажозий маъносидан ҳам хабардор қилишни мақсад қилган; *4)окказионал ясалмалар орқали изоҳлаш.* Луғатдаги русча сўзлар таржимасида Абдулла Қодирий томонидан яратилган бир қатор характерли окказионал ясалмалар мавжудлигини ва муаллиф таржимадаги сўзлар изоҳини беришда бундай сўзлардан ҳам самарали фойдаланганлигини кўриш мумкин: *паломничество – зиёратчилиқ, ҳажчилиқ (8); памятливость – ёдлилиқ, эсда тутувчанлиқ (10); перегодовать – йилламоқ, йил кечирмак (61); пережитие – узоқ яшов, яшамоллиқ (68); подёншик – кунликчи, мардикор (187); подставка – харрак, кўтарги, теглик (212); покров – қопқоқ, ёпқи, ўрама (242); приправа – доривор таъмлагич (383).* Келтирилган мисоллардаги *ҳажчилиқ, ёдлилиқ, йилламоқ, яшамоллиқ, кунликчи, кўтарги, ёпқи, таъмлагич* каби лексемаларнинг ўша даврдаги луғатларда учрамаслиги бундай сўзлар муаллифнинг ижодий маҳсули эканлигидан, уларнинг окказионал ясалма эканлигидан далолат беради. Афсуски, бу сўзлар кейинчалик тилимиздан ўрин топмади. Демак, адиб луғат тузишда фақатгина тилда аввалдан мавжуд сўзлардангина фойдаланмаган, балки баъзи ҳолларда айтмоқчи бўлган фикрни, яъни таржимадаги сўз ифодалаган тушунчани аниқроқ, таъсирчанроқ ифодалаш мақсадида шунга мос сўзларни топишга,

лозим ўринларда уларни ўзи ясашга, оригинал тарзда қўллашга интилган. Бу ҳол Абдулла Қодирийнинг сўзшунос сифатидаги маҳоратидан, тил бойлигига ижодий ёндашганлигидан далолат беради. Умуман, Абдулла Қодирий ҳаммуаллифлик қилган «Русча-ўзбекча тўла сўзлик»даги изоҳ усулларини таҳлил қилиш луғат XX аср бошларидаги ўзбек луғатчилигининг етакчи хусусиятини ўзида ифодалаганини кўрсатди. Бу хусусиятдан энг муҳими – луғат тилини соддалаштириш, халқчил, халққа яқин қилишга интилиш.

Атоқли ўзбек олими Абдурауф Фитрат «Энг эски турк адабиёти намуналари» номли мажмуасида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарини тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганар экан, луғат матнига кирган сўзларнинг маъно ва мазмунига эътибор бергани ҳолда, уларни ўзига хос тарзда изоҳлайди. Муаллиф ўз асарининг учинчи қисми ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай дейди: «...Ўткан икки қисмда кўрганимиз манзумаларда изоҳка муҳтож кўб луғатлар бор. Уларни ўз ўрнида изоҳ қилиш ўқувчиларни мақсаддан узоқлаштирадир. Шунинг учун учинчи бир қисм орттириб, мазкур луғатларни алоҳида изоҳ қилиш муносиб кўрилди»[36].

Фитратнинг луғат яратиш жараёнидаги илмий қарашларини, назарий принципларини кузатар эканмиз, унинг бу борада ҳам муайян тажрибага эга эканлигига амин бўламиз. Унинг сўзлар изоҳини беришдаги биринчи эътибор берган тамойили – тарихий-этимологик тамойил. Адиб «Девону луғотит турк» асаридаги туркийча сўзлар изоҳини берар экан, ўқувчи эътиборини дастлаб сўз этимологиясига қаратади. Масалан: «*Қарши – сарой. «Девону луғат»га кўра, бу сўз туркчадир. «Муқаддиматул-адаб» ҳам бу сўзнинг мўғулча эканини кўрсатмайдир. Ҳолбуки, кўб кишилар бунинг мўғулча эканига ишонадилар...* »[37]. Муаллиф сўзлар изоҳини беришда шунчаки маънони изоҳлаш билан чекланмаган, балки фойдаланувчи кенгроқ маълумот олишини инобатга олган ҳолда, унинг этимологиясига ҳам мурожаат қилган.

Сўзлар изоҳида муаллиф эътибор берган яна бир жиҳат – тадрижий тараққиёт давомида сўзларнинг товушлар тизими ҳамда морфемик таркибида турли фонетик қонуниятлар асосида содир бўлган ўзгаришларни диахрон аспектда кўрсатиб берганлиги. Масалан: «*Жаш – феруза тоши. Турк тилида «й» билан «ж» товушларининг олиш-беришларини кўзда тутуб «яшил» сўзининг шундан чиққаниға ҳукм этмак мумкиндир...*»; «*Узумоқ – ухламоқ демакдир. Усмонличаси «уйумоқ»дир. «Муқаддиматул-адаб»нинг мўғулчасида «уйқу» муқобилида «жуду» сўзи бор. Умуман, турк тилида «а»нинг «й»га, «й»нинг «ж»га айланишини ҳамда «з»нинг «д» бўлушини эътибор этканда «жуду» билан «узу»нинг бир сўз экани маълум бўладир*»[38].

Шунингдек, «Девону луғотит турк»даги *қамуғ* сўзи орқали ҳозирги ўзбек тилида кенг қўлланувчи *ҳамма* олмошининг этимологияси, сўз тузилишидаги фонетик ўзгариш ҳам қисқа, ихчам тарзда ифода этилганлиги

[36] Фитрат Абдурауф. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2008. – 208 б.
[37] Шу манба. – Б. 107.
[38] Шу манба. – Б. 102.

ўқувчи диққатини тортади: «*Қамуғ – ҳамма. Қамуғ - қаму - ҳаму - ҳамма*»[39]. Фитрат сўзларни изоҳлашда уларни синхрон аспектда тавсифлаш билан чекланмаган, аксинча, китобхон онгида кенгроқ тушунча ва тасаввур ҳосил қилиш мақсадида уларнинг этимологиясини ҳам ёритган. Луғатдаги аксар сўзнинг маъноларини изоҳлаш жараёнида уларнинг усмонли турк, татар, озарбайжон, араб, форс тилидаги муқобилларини ҳам келтириб, қиёслаган: «*Узунмак – уйғонмоқ, усмонличаси уёнмоқ*»; «*Ангитмак – ҳайрон қолмоқ. Бизда «ҳайрон қолдим» ўрнида «Ангкуманг қолдим» дейилгани каби тожикларда ҳам «Ангу, манг мондам», «Ангам рафт» дейиладир.»*; «*Ақрун – ёвош, секин маъносида. Бу кун татарчада бу маънода «Ақирин» сўзи бордир*»; «*Қазаш – биродар, қариндош, демакдир. Озарбайжон тилида бунинг «қадаш» шакли ишлатиладир*»; «*Йатика – арабча «банотуннаш», форсча «ҳафт додарон»аталған «етти юлдуз». «Девони луғат»ға кўра «ака» ҳамшира маъносида экан. Шу ҳолда бунинг асли «етти ака» бўладир*»[40].

Абдурауф Фитрат «Девону луғатит турк» асаридаги туркий сўзларни изоҳлашда асл маъносидан ташқари, матн таркибида юзага чиқувчи кўчма маъноларини ҳам изоҳлашга эътибор берган: «*Будун – қавм, эл, улус демакдир. «Бут-буд» томури туркчада бой бир томурдир. «Бут-буд» мучаларидан (аъзодан) бирининг исмидирким, бизда «сон» ҳам дейиладир. «Бутмак – тамом бўлмоқ маъносида келадир. Букун бизда (бу ишни «бут» қил!) дейилгани каби тожиклар ҳам «ин кора буд кун» дейлар. Бироқ бунинг феъллари, бу кун «бутмак» эмас, «битмак» шаклида ишлатиладир. Яранинг соғайишига ҳам «бутмак» дейиладирким, арабча «элтиям» демакдир. Яранинг соғайиши бир-биридан айрилган терининг тўпланиб ёпишмоғи бўлғани учун бу маънодаги «бутмак» сўзи жамъ маъносиға яқинлашадир-да, бундан «буткул, бутун» сўзлари чиқадир. Қавм, эл, улус маъносидағи томурдан «тарқалмоқ», «сочилмоқ» маъноларида «бутрамоқ», «бутрашмоқ» сўзлари бордир*[41].

Бундай илмий изланишлар, чуқур назарий таҳлил муайян мақсад сари йўналтирилганлиги аниқ. Зотан, ХХ асрнинг 20-йилларида ўзбек тилининг илмий грамматикасини тузиш ўзбек тилшунослари олдида турган асосий муаммолардан бўлган. Шу муносабат билан Фитрат бошчилигидаги «Чиғатой гурунги» аъзолари илк бор ўзбек тилини илмий асосда ўрганишга киришдилар. Улар тил қоидаларини миллий тилимизнинг ички хусусиятлари асосида ёритиш кераклигини тушуниб етганликлари боис тарихий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, шевалар асосида материаллар тўплаб, уларни илмий жиҳатдан ўргана бошладилар. Бу йўлда дастлаб унутилган туркий сўзларни тиклашга ҳаракат қиладилар. Бу фаолият аслида ўзбек тили сўз хазинасини бойитиш, тилни ички имкониятлари асосида ривожлантириш, миллий адабий тил яратиш йўлидаги биринчи ижобий уринишлар эди.

---

[39] Шу манба. – Б. 104.
[40] Шу манба. – Б. 103.
[41] Шу манба. – Б. 105.

Фитратнинг юқоридаги каби лексикографик изланишлари луғатшунослик соҳасининг янги босқичида энг қадимги туркий адабий асарлар тилини ўрганишдаги илк, ўзига хос илмий тадқиқотдир. Жами 126та соф туркий сўз изоҳланган бу луғат, ўз навбатида, этимологик, қиёсий-тарихий, морфемик, ўзбекча-форсча-арабча таржима, қолаверса, изоҳли луғат белгиларини ҳам ўзида акс эттирган, бу ҳолат серқирра ижод соҳиби Абдурауф Фитрат шахсиятини луғатшунос жадид адиби сифатида яна бир поғона юқорига кўтариши шубҳасиз.

Ашурали Зоҳирийнинг луғатшунослик фаолияти «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1927 йил 9–10-сонларида «Келурнома» номи билан эълон қилган мақоласи[42] таҳлили асосида берилган.

Ашурали Зоҳирийнинг тилшунос олим сифатида туркий луғатшуносликнинг тарихи, назарий масалалари билан қизиқиши, лексикографияга оид нодир манбалар устида изланишлар олиб бориши ва керакли назарий билим ва амалий кўникмани эгаллаши айни дамда ўзи яратган «Русча-ўзбекча мукаммал луғат»[43] нинг юзага келиши учун замин ҳозирлаганлиги табиий. Ашурали Зоҳирий луғатшунослик фаолиятининг ўрганилмаган асосий қирраларини тўлиқроқ, мукаммалроқ кўрсатиш ҳамда XIX аср охири ва XX аср бошларидаги таржима луғатларининг такомиллашув жараёнлари ва бу масалада жадид адибларининг луғат яратиш тамойилларига қай даражада ёндашганликларини кўрсатиш мақсадида Ашурали Зоҳирий тузган «Русча-ўзбекча мукаммал луғат» ундан кейинроқ Абдулла Қодирий ва С.Раҳматийлар ҳаммуаллифлигида яратилган «Русча-ўзбекча тўла сўзлик» луғатига қиёсланди. Луғатлардаги изоҳларнинг тили ва тушунарлилик даражаси, лексикографик ишоралар ҳамда белгилар ёрдамида изоҳлашнинг берилиши, таржимада берилган ўзбекча сўзликнинг генетик таркиби ва умумий миқдори юзасидан олиб борган қиёсларимиз Абдулла Қодирий ва С.Раҳматийлар иштирокида тузилган «Русча-ўзбекча тўла сўзлик»нинг анча мукаммаллигини кўрсатди. Бироқ мазкур даврда икки тилли, хусусан, русча-ўзбекча таржима луғатларининг дастлабкиси маърифатпарвар жадид адиби Ашурали Зоҳирийга тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Илк таржима луғати бўлганлиги, шунингдек, давр ўзбек адабий тилининг лексик-грамматик меъёрлари энди шаклланаётган бир вақтда яратилганлиги учун А.Зоҳирий луғатида йўл қўйилган камчиликларни, таржималардаги арабча, форсча ўзлашма сўзлар, изофали бирикмаларнинг кўплаб ишлатилганлигини тўғри баҳолаш лозим бўлади.

Элбекнинг XX аср 20–30-йилларда матбуотда эълон қилган мақолаларида ўзлашма сўзларнинг соф туркий муқобилларини келтириш ва уларнинг имлосини белгилашда сўзларнинг этимологиясига эътибор берганлиги, ўрганганлиги, бу билан ўзининг луғатшунослик фаолияти давомида этимология соҳасида ҳам илмий изланишлар олиб борганлиги

---

[42] Зоҳирий А. «Келурнома» // Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1927. 9–10 сон.
[43] Зоҳирий А. Русча-ўзбекча мукаммал луғат.2 жилдли. – Тошкент – Самарқанд, 1927.

Ш.Бобомуродова томонидан алоҳида таъкидланади[44]. Унинг ишида Элбекнинг бу борадаги фаолиятига кенг ўрин ажратилмаганлиги сабабли унинг луғатшунослик фаолиятини кенгроқ ёритиш мақсадида мазкур бўлимда адибнинг сўзлар этимологияси, морфемик таркиби юзасидан олиб борган илмий изланишлари таҳлилга тортилди.

Луғатшунос Элбекнинг 20–30-йилларда «Қизил Ўзбекистон», «Туркистон», «Маориф ва ўқитғучи» каби матбуот нашрларида эълон қилган бир қатор мақолаларида тил ва имло, терминлар, услуб масалалари ҳамда сўзларнинг этимологияси, морфемик таркиби юзасидан билдирган қимматли фикрларини кўрамиз. Жумладан, «Туркистон» газетасининг 1924 йил 22 октябрь сонида эълон қилинган «Тилимиздаги ёнглишиқлар» номли мақоласида *берк* ва *бек* сўзларига берган талқини эътиборни тортади: «... Маълумким, бизда «*берк*» сўзи бор. Бу «*маҳкамламак*» маъносида бўлғон «*беркитмак*» масдаридан олинғон. Биз ҳар вақт «*бек*» суратида ёзамиз ва ўқиймиз. Ҳолбуки, бу сўз ила «*берк*» сўзининг орасидағи маъно ёғидан бўлғон айирма жуда каттадир. Ҳатто, бу кун элимиз орасида ҳам «*Беркин*» деган отлар борки, бу от «*Маҳкам*» деб юритилган арабий отларнинг нақ туркийсидир. Сўнгра «*берк – қаттиқ*» маъносида ҳам юритилади, бу «*қаттиқ*» сўзи ила «*берк*» сўзи орасида ғоят маъно ёғидан яқинлик бордир. Негаким, Озарбайжонлар ҳар вақт «*берк урди»*, яъни «*қаттиқ урди»*, деб айтадирлар. Бас, бизнинг «*мансаб»* маъносида бўлғон ёхуд татар ва усмонлиларнинг бизнинг «*жуда»* деган сўзимиз ўрнида юратурғон «*бек»* сўзларининг бизда «*берк»* сўзи ўрнида ишлатилиб, «*берк»* дейиш ўрниға «*бек»* демагимиз кулгили бўлиб чиқади...»[45]. Муаллиф ўша давр ёзма ва оғзаки нутқида «*бек»* ва «*берк»* сўзларининг бирининг ўрнида иккинчиси чалкаш ҳолда қўлланаётганлигини таъкидлар экан, кўриб ўтганимиздек, уларнинг қайси ўринда «*бек»*, қайси ўринда «*берк»* қўлланишини илмий асослаган ҳолда кўрсатмоқда. Ишда Элбекнинг «Туркистон» газетасининг 1924 йил 21–24 октябрдаги сонларида «Тилимиздаги ёнглишиқлар» рукни остида *турғун* ҳамда *турғин*, *қаттиқ* ҳамда *ёрим* сўзларининг этимологияси ҳақида билдирган фикрлари ҳам изоҳланди.

Элбек халқ оғзаки ижоди материаллари асосида мингдан ортиқ сўзлар изоҳли луғатини тузиб, «Тил проблемалари» номли мажмуада эълон қилади[46]. Кейинчалик, бу асар «Ўзбек тўла сўзлигига материаллар» деб номланади. Унинг ўзбек луғатчилигининг такомилида муҳим ўрин тутувчи бу асари тилимизнинг бой луғат захирасини тўплаш, уни ўрганиш ва кенг халқ оммасига етказиш йўлида тўплаган бой материаллари, туркий луғатчилик анъаналари негизида ўрганган тажрибаси асосида яратилган дастлабки изоҳли луғат намунаси эди. Асарнинг сўзбоши қисмида халқ тилидаги *терскай, қузғай, кунгай, ўнғур, элдик* каби географик терминлар;

---

[44] Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожида Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... диссертация. – Тошкент, 2002. – Б. 47.

[45] Элбек. Тилимиздаги ёнглишлиқлар // «Туркистон» газетаси. – Тошкент, 1924 йил 22 октябрь.

[46] Бобомуродова Ш. Ўзбек тилшунослиги ривожида Элбекнинг роли: Филол. фан. номз. ... диссертация. – Тошкент, 2002. – Б. 95.

*бўрибағир, камхастак, қотранғи, четан, тубулғи, мучча, какра, йулғун, чачратғи, жига* каби бир қанча ўсимлик номларини келтириб, уларнинг этимологияси, семантикаси ҳақидаги маълумотларни ҳам келтириб ўтади. Масалан: «...тоғнинг қуёш тушмайтурғон томонини «*қузғай*» ёки «*терскай*» дейдилар. Шунингдек, мағорани «*ўнғур*», тоғдан қуйиға тушушни «*элдик*» ёҳуд «*эндик*» дерлар ва бундай сўз ва терминлар қушлар, ўсумликлар ҳақида ҳам кўп топилади...»[47]. Келтирилган бу сўзларнинг маъносига аниқлик киритиш мақсадида «Ўзбек тилининг этимологик луғати»га мурожаат қилишни лозим топдик: «...*терскай* – қуёш нури тушмайдиган жой. Бу сифат «*тескари томон»* маъносини англатувчи «*терс»* отидан -*кай* қўшимчаси билан ясалган: *терс+кай=терскай»*[48]; *кунгай* – «қуёшнинг ҳаракатланиш йўлида ўринлашган» деган маънони беради. Бу сифат қадимги туркий тилда ҳам *қуёш* маъносини англатган *кун* отидан -*гай* қўшимчаси билан ясалган[49]; *ўнғур* – ўйиқ, чуқур жой маъносида. Бу от қадимги туркий тилдаги *ковла, чуқур ҳосил қил* маъносини англатган *ўнг* феълидан -*(у)р* қўшимчаси билан ясалган, ўзбек тилида иккинчи бўғиндаги *у* унлиси *и* унлисига алмашган: *ўнг +ур=ўнгур>ўнгир*[50].

«Ўзбек тўла сўзлигига материаллар»нинг яна бир муҳим жиҳати луғатда адабий тилнинг имло, талаффуз, сўз ясаш ва уни ишлатиш меъёрлари ҳақида ҳам маълумотлар берилганлигидир. Бунда муаллиф ўзбек тилидаги сўзларнинг ясалиши билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш мақсадида ўша даврда унумли ва унумсиз сўз ясаш хусусиятига эга бўлган, ўзи томонидан сўз ясовчи деб эътироф этилган 72та морфемани келтиради ҳамда уларнинг янги сўз ясалишидаги ўрнини мисоллар асосида тушунтиришга ҳаракат қилади. Бироқ муаллифнинг келтирган маълумотларида айрим чалкашлик, ноаниқлик ҳам кузатилади. Чунончи, лексик усулда сифатлардаги орттирма даража категориясини ҳосил қилувчи *ўта, энг, жуда, ғирт, тим* шаклларини, озайтирма даража ҳосил қилувчи -*иш, -роқ* қўшимчаларини; бугунги кунда даража-миқдор равиши вазифасини бажараётган *аранг* лексемасини; феълнинг замон, майл, нисбат каби категорияларини ҳосил қилувчи -*ғали, -са, -син, -арман, -гай, -дир, -тир* шаклларини ҳамда -*да* келишик қўшимчасини сўз ясовчи сифатида баҳолаши маъқул эмас.

Юқоридагилар асосида хулоса қилишимиз мумкинки, Элбек бу борадаги хизматлари билан ўзбек тилини лексикологик ва лексикографик жиҳатдан махсус тадқиқ қилган, ўша давр луғатчилик тамойилларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган таниқли луғатшуносдир.

Бобда жадид маърифатпарвар зиёлиси Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли Ибратнинг дастлаб тилшунослик фаолияти ҳақида фикр юритилган.

---

[47] Элбек. Ўзбек тўла сўзлигига материаллар // Тил проблемалари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1935. – Б. 43.
[48] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 392.
[49] Шу манба. – Б. 218.
[50] Шу манба. – Б. 482.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Исҳоқхон Ибратнинг XX аср бошларидаёқ ўзбек миллий тили (она тили)ни пухта эгаллаш, унинг равнақи, истиқболи учун курашиш, шунингдек, булар қаторида ўзга тилларни ҳам ўрганиш йўлидаги қарашлари, олиб борган илмий изланишларини алоҳида таъкидлаб: «XX аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: «Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир»[51], – дея, унинг ватанпарвар, тилпарвар, тил илми бўйича етук олим бўлганлигини ҳақли эътироф этган эдилар.

Диссертацияда у тузган «Луғоти ситта алсина» («Олти тилли луғат») асарининг лексикографик тадқиқи асосида унинг луғатшунос олим сифатидаги фаолиятига баҳо берилган.

«Луғоти ситта алсина» оммабоп лингвистик луғат бўлиб, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган. Луғатда ўша даврда яратилган бошқа луғатлардан ўзига хос анчагина сезиларли фарқлар мавжуд. Гарчи, янгича ғоя, янгича тафаккур, янгича билим олиш тарафдорлари бўлган илғор жадидлар қаторида бўлса-да, Ибрат «Луғоти ситта алсина» асарини яратишда янгича йўналишдаги ғарб луғатчилиги тамойиллари билан бирга, анъанавий шарқ луғатчилиги принципларига ҳам таянган. Муаллиф луғатда сўзликни жойлаштиришда идеографик усулни қўллаган. Феълларни масдар (*чочмак, кесмак, киймак*), ҳозирги-келаси замон (*ўйнар, ёғар, хоҳлар*), ўтган замон (*ётган, турган*) ҳамда буйруқ майлларида (*келма, ўрганма*) берилиши; исмларни эса 37та мавзуий гуруҳга ажратиб, таржималарининг берилиши жадид давригача бўлган шарқ луғатчилиги, хусусан, араб луғатчилиги анъаналарининг таъсиридир. Луғат материаллари мавзулар бўйича «*Мозий ва амр*» *(Ўтган замон ва буйруқ майли)*, «*Алмутакаллим*» *(Олмошлар)*, «*Аъзойи ҳайвонот*» *(Жонзотларнинг аъзолари)*, «*Асмоу аҳли қаробат*» *(Қариндошлик номлари)*, «*Асмои ақсоми таом*» *(Таом номлари)*, «*Асмои нағамот*» *(Мусиқа асбоблари номлари)*, «*Ақсоми ранг*» *(Ранг номлари)*[52] каби бир неча бўлимга ажратилган ва сарлавҳаланган. Сарлавҳаларнинг арабча номланишини ҳам араб лексикографияси таъсири, деб қараш мумкин. Дарҳақиқат, Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида шарқшунослик ва туркийшунослик фанларининг ривожланиши таъсирида анъанавий луғатчилик билан бирга, янгича йўналишдаги русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча, шунингдек, ўзбек тилини бошқа европа ва хорижий шарқ тиллари билан чоғиштириб ўрганишга мўлжалланган луғатлар ҳам пайдо бўла бошлади. Шулар қаторида, Ибратнинг мазкур луғатини ҳам қуйидаги лексикографик хусусиятларига кўра, ўша даврдаги янгича йўналишда, яъни ғарб луғатчилиги анъаналари таъсирида яратилган луғатлар сирасига киритиш мумкин: а) тилшунос олим А.Мадвалиев эътироф

[51] Ш.Мирзиёев. Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. (Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ) // Халқ сўзи газетаси. – Тошкент, 2019 йил 22 октябрь. –№218.

[52] Исҳоқхон Ибрат. Луғоти ситта ал сина (араб алифбосида). – Тошкент: Ильин типографияси, 1901. – 85 б.

этганидек[53], ўзбек лексикографиясида Ибратгача ҳам, Ибратдан кейин ҳам айни шу хилдаги, яъни олти тил материаллари қамраб олинган ва бу тил материалларининг ўзаро қиёсан таржималари берилган луғат тузилган эмас; б) муаллиф XIX аср охири ва XX аср бошлари шарқ ва ғарб мамлакатларидаги маданий ҳаёт, илғор фан ва техника ютуқлари, янгиликлари билан танишиш мақсадида қилган саёҳати давомида луғат учун материаллар тўплаган. Луғатда ўша давр учун ўзлашма сифатида қабул қилиш мумкин бўлган *крахмал, курси, қандил, касалхона, лимон, доришунос* каби кўпгина лексик бирликлар ҳам учрайдики, бу ҳолат Исҳоқхон Ибратни XX аср бошларидаги ўзбек тили луғат бойлигини ривожлантиришга ҳам маълум даражада ҳисса қўшган олим дейишимизга асос бўла олади; в) луғатда турли оилаларга мансуб тилларнинг лексик бирликлари ўзаро қиёсланганлиги ва луғат тузишда олти тилнинг таъсирига қараб лексемалар танланганлиги Исҳоқхон Ибратнинг ғарб луғатчилиги анъаналарига таяниб луғат тартиб берганлигининг исботидир.

Диссертациянинг **«Жадид маърифатпарварлари лексикографик фаолияти тажрибаларининг давр луғатчилигига таъсири»** деб номланган тўртинчи боби уч бўлимни ўз ичига олади. «Таржима ва махсус луғатларнинг шаклланиши» деб номланган биринчи бўлимда жадидчилик даврида икки тилли ва кўп тилли таржима луғатлари, шунингдек, махсус луғатларнинг юзага келиши ва уларнинг такомиллашув жараёнлари ҳақида фикрлар билдирилган.

Ўзбек лексикографияси тарихида таржима луғатчилигининг шаклланиши ўзига хос эҳтиёж асосида юзага келган. Ўзбек таржима луғатчилигининг шаклланиш даврини шартли равишда икки даврга бўлиш мумкин: 1) XIV асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр («Таржумони турки ва ажами ва мўғули ва форси», «Китоб ат-туҳфатуз-закияти фил-луғатит туркия», Абу Ҳайённинг «Турк-араб луғати» ҳамда Алишер Навоий асарлари учун тузилган «Бадойеъ ал-луғат», «Абушқа», «Санглоҳ», «Келурнома» каби луғатлар яратилган давр); 2) XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин яратилган луғатларни қамраб олувчи давр.

Биринчи давр луғатлари асосан изоҳли луғатлар характерида бўлиб, тилни кўпроқ илмий жиҳатдан ўрганишни назарда тутади. Бошқача айтганда, уларнинг мақсади Алишер Навоий асарларини тушунишни таъминлаш ва эски ўзбек адабий тилининг лексик хусусиятларини намоён қилишдир. Иккинчи давр луғатлари XIX асрнинг биринчи ярмида мустамлакачиликка хизмат қилувчи, шу эҳтиёжни амалга оширишни кўзлаб, яъни Ўрта Осиё халқлари тили ва этнографиясини ўрганиб, улар орасига «суқулиб кириш», кузатув ишларини олиб бориш, қандай қилиб бўлса-да, бу ерларнинг халқини қарам қилиш нияти билан яратилган луғатлар бўлиб, асосан, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча характерда бўлиб, яъни ўзаро мулоқотни амалга оширишни таъминлашга хизмат қилган. Бу даврда мустақилликка эришишдан умидини

[53] Мадвалиев А. Исҳоқхон Ибратнинг олти тилли луғати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – № 4. – Б. 53-56.

узмаган жадидлар ҳам луғатчилик ишига бефарқ қарамадилар. Улар бу борада қилинаётган ишлар (яъни маърифат йўлидаги ҳар бир иш – одамлар билимини, онгини ошириш, таълимни яхшилаш ва ҳ.) бир кун натижа беришини ўйладилар, таржима луғатлари тузиш ишларида фаол қатнашдилар. Жумладан, 1926 йили Ғози Олим Юнусовнинг «Қисқача русча-ўзбекча сиёсий-ҳуқуқий луғат»и нашр этилди. Бу луғат ўша даврда яратилган илк терминологик таржима луғатларидан бири бўлган. Шунингдек, мазкур луғат ўзбек луғатчилигида соҳавий – терминологик луғатлар тузишни бошлаб берганлиги билан ҳам характерлидир. Шунингдек, Ашурали Зоҳирий томонидан тузилган «Русча-ўзбекча мукаммал луғат» (2 жилдли, 34 000 сўзли, 1927–1928), А.Қодирий ва С.Раҳматийлар иштирокида тузилган «Русча-ўзбекча тўла сўзлик» (Тошкент–Қозон, 1934. Луғатнинг 1-жилди нашр этилмай қолган) ўзбек лексикографиясида русча-ўзбекча таржима луғатчилигининг такомиллашув жараёнларини ўзида ифодалайди.

Элбек томонидан тузилган «Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати» (1924) ўзбек лексикографияси тарихида биринчи бор тузилган махсус луғат эканлиги билан аҳамиятли. Жадид вакилларининг етакчиларидан бўлган Исҳоқхон Ибратнинг «Луғоти ситта алсина» асари эса туркий луғатчилик тарихида XIV асрларда тузилган «Таржумони турки ва ажами ва мўғули ва форси» луғатидан кейинги кўп тилли таржима луғат эканлиги билан эътиборни тортади.

XX асрнинг 20-йилларида ўзбек лексикографияси тарихида илк бор терминологик луғат яратилиши масаласи Назир Тўрақуловнинг «Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси»[54] мисолида таҳлил қилинди. Таниқли давлат арбоби, публицист ва ношир Назир Тўрақуловнинг рус алифбоси тартибида тузилган, жами 403та русча сиёсий ва иқтисодий терминнинг ўзбекча таржимаси берилган мазкур луғати қуйидаги лексикографик хусусиятларига кўра тавсифланди: 1) луғатда русча сиёсий-иқтисодий терминлар таржимасининг изоҳсиз берилиши; 2) русча сиёсий-иқтисодий терминлар таржимасининг изоҳли тарзда берилиши; 3) сиёсий-иқтисодий терминлар таржимасининг генетик таркиби; 4) терминларнинг изоҳли таржимасида омонимия, антонимия ҳодисаси ва муаллифнинг терминларга ижодий ёндашуви; 5) луғатдаги айрим камчилик ва нуқсонлар.

Луғатда термин танлаш ва уларни алифбо тартибида жойлаштириш тамойилларида баъзи нуқсонлар бор. XX аср бошларидаги ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий терминологиясида фаол қўлланган терминлар алифбо тартибида берилар экан, миқдор жиҳатдан сўзлар мутаносиблиги таъминланмаган. Жумладан, луғатнинг «П» ҳарфи қисмида 87та, «А» ҳарфи қисмида 32та, «Б» ҳарфи қисмида 21та, «Э» ҳарфи қисмида 10та, «В», «Ш», «Г» ҳарфлари қисмида 5тадан, «Ж», «З», «Ч» ҳарфлари қисмида эса 1тадан термин изоҳли ёки изоҳсиз тарзда таржима қилинган. Таҳлил шуни

[54] Тўрақулов Н. Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси. – Тошкент: Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1922. – 87 б.

кўрсатадики, луғат ўша давр ижтимоий-сиёсий терминологик тизимида фаол қўлланган терминларнинг барчасини тўла қамраб олмаган.

XIX аср охири – XX бошларидаги ижтимоий-лисоний шароит туфайли ўзбек тилига ўзлашган ва ўзлашаётган ижтимоий-сиёсий терминларни таржима қилишга эҳтиёж ортган эди. Шунга биноан ижтимоий-сиёсий терминларнинг махсус икки тилли таржима луғатини яратиш йўлидаги лексикографик ишлар амалга оширила бошланган ва Н.Тўрақуловнинг «Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси» бу йўналишдаги дастлабки иш эканлиги билан характерли. Луғатнинг ижтимоий-сиёсий терминологик тизим, умуман, ўзбек луғатшунослигида ўзига хос ўрни бор. Луғат асосида мазкур даврда қандай терминларнинг қўлланганлиги, уларнинг маънолари, маъно ўзгариши, янгиланиш ҳамда эскириш жараёнлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Мазкур луғат соҳа терминлари тўпланган илк лексикографик иш бўлганлиги учун камчиликлардан холи эмас, улар диссертацияда таҳлил қилинган.

Бобнинг «Дастлабки ўқув луғатларининг вужудга келиши» деб номланган учинчи бўлимида давр луғатчилигида айнан мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган, дарслик ва қўлланмаларга ёрдамчи восита сифатида яратилган ўқув луғатлари ҳақида маълумот берилган. Бунда, хусусан, 1925 йилда рус олими В.Брилев томонидан жадид адиби «Шокиржон Раҳимийнинг «Катталар йўлдоши» дарслиги учун ўзбекча-русча луғат» номи остида нашр этилган луғатнинг асосий лексикографик хусусиятлари ёритилган. Луғат муаллифи В.Брилев бу луғатни тузишдан кўзланган асосий мақсадни қуйидагича тавсифлайди: «Бугунги кундаги кўпгина мактаб ва ўқув курсларида Шокиржон Раҳимийнинг ўзбек тилидаги «Катталар йўлдоши» асари дарслик сифатида киритилган. Дарсликдаги мавзуларни ўзлаштиришни осонлаштириш ҳамда ўзга миллат вакилларининг дарсликни тушунишларидаги қулайликни эътиборга олиб янги имлода (кирил алифбосида – С.Н.) мазкур луғат тузилди. Дарс жараёнида тушунилиши қийин бўлган сўзларни луғатлардан излаш кўп вақт талаб қилади ва бу ўқувчи фикрини чалғитади. Луғат одатдаги алфавит тартибида эмас, балки ҳар бир мавзу якуни бўйича тартиб берилди...»[55]. Кўринадики, луғат – мавзуий ўқув луғати. Бу давргача ана шундай луғат яратилмаган эди. Ишда мазкур луғатдаги ўзбекча сўзликнинг таркиби таҳлил қилинди ва унда ўша даврда кенг қўлланган илм-фан, техникага оид терминлар, ишлаб чиқариш, турли касб-ҳунар, халқ шевалари лексикаси ўз аксини топганлиги кўрсатилди. Муаллифнинг кўпроқ дарсликдаги ўзбекча сўзларнинг халқ шеваларидаги вариантлари таржимасини беришга ҳаракат қилганлиги кузатилади: *коранда – посевщик*[56]*, батрак – қўшчи (3), фойтун – экипаж (3), туновкун – вчера (7), ини – младший брат (8), кунботиш – запад (12), музофот – область (16), жайдари – местный (19), жилла – слишком (24), дуруст – налаживать (32).*

---

[55] Брилев В. Шокиржон Раҳимийнинг «Катталар йўлдоши» дарслиги учун ўзбекча - русча луғат. – М., 1925. – Б. 2

[56] Шу манба. – Б. 3. Бундан кейинги мисолларда луғат саҳифаси кўрсатилмоқда.

Муаллифнинг дарсликдаги ўзбекча сўзларнинг русча таржимасини шунчаки келтириш билан чекланмай, айрим ўринларда иш-ҳаракат лексемаларининг грамматик категориялари ҳақида ҳам маълумот берганлиги луғат орқали ўқувчининг ўзбек тили грамматик қонуниятлари ҳақида ҳам маълум тушунчага эга бўлишини таъминлаш мақсад қилинганлиги билан изоҳланди. Масалан: *ошар – (п.б.вр.) от глагола ошамоқ, есть, кушать (1); тортар – (п.б.врем.) от глагола тортмоқ, тащить, тянуть, нести, молоть (о муке) (2); шошар – (п.б.вр.) от.гл. шошмоқ, торопиться, спешить (5); олар – (п.б.врем.) от глагола олмоқ, брать, взять (10).*

Луғат, гарчи, таржима луғати сифатида номланган бўлса-да, ўша даврда умумфилологик характерда яратилган бошқа ўзбекча-русча, русча-ўзбекча таржима луғатларидан ўз мақсади нуқтаи назаридан тубдан фарқ қилади. Чунки у ўзбек ёки рус тилини ўрганувчилар учун тузилган оддий сўзлашгич эмас, балки асосан таълимий мақсаднинг устуворлиги назарда тутилган луғатдир.

## ХУЛОСА

1. Жадидчилик илмий мактаблари ва маърифатпарвар жадид зиёлилари фаолияти XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 20-30 йиллари ўзбек маданияти, таълим тизими, адабиёти, тили ва тилшунослиги ривожи, тараққиёти ва такомилида алоҳида аҳамиятга эга.

2. Жадид маърифатпарварларининг она тилига муносабати, ўзбек миллий ва адабий тилнинг такомили, меъёрлашуви, шеваларга, халқ тилига эътибори, тилнинг софлиги, бошқа тиллар билан муносабати, тил ўрганиш, икки тиллилик, кўп тиллилик борасидаги қарашлари ва уларнинг тилдан фойдаланиш маҳорати ватанпарварликнинг олий намунаси бўлиб, ўзбек адабий тилининг лексик, грамматик, имловий меъёрлашуви, сайқалланиши, такомили ҳамда ривожида, ҳозирги даражага келишида муҳим рол ўйнайди.

3. Ўзбек замонавий лексикографиясига ҳам жадид зиёлилари тамал тошини қўйган. Улар яратган луғатлар мазкур давр ижтимоий ҳаётининг зарурияти сифатида юзага келган. Жадид зиёлилари – тилшунослар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, педагоглар томонидан яратилган таржима, ўқув луғатлари илк лингвистик луғат намуналаридир.

4. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг 20 – 30 - йилларида туркий, жумладан, ўзбек луғатчилиги Шарқ, хусусан, араб ва Европа луғатчилигининг ютуқлари ҳамда анъаналари таъсирида юзага келган. Жадид зиёлилари яратган луғатларда ҳар икки лексикография мактабларининг белги-хусусиятлари кузатилди.

5. Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Исҳоқхон Ибрат, Назир Тўрақуловлар луғатлар сўзликларини танлаш, таржима луғатларида луғавий бирликнинг айнан таржимаси ва диалектал муқобилларини, айни бир сўзнинг бир неча вариантларини бериши ўзбек лексикографиясининг муҳим ютуғи ва ўзига хослигидир.

6. Абдулла Қодирийнинг ҳаммуаллифликда яратган «Русча-ўзбекча тўла сўзлик» луғати сўзлигининг миқдори, лексикографик изоҳларнинг семантик мукаммаллик даражаси ҳамда ҳозирги икки тилли таржима луғатларига хос лексикографик ишоралардан самарали фойдаланганлиги, халқчиллик, соддалик тамойилларида тузилганлиги билан ўша даврда яратилган бошқа луғатлардан ажралиб туради. Луғат XX аср бошларидаги ўзбек луғатчилигининг етакчи хусусиятларини ўзида ифодалаган ва жамлаган ноёб манбадир. Бу Абдулла Қодирийни буюк адиб ва сўз санъаткори ҳамда истеъдодли луғатшунос эканлигини ҳам кўрсатади.

7. Абдурауф Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» мажмуасига киритган луғати кейинги даврларда яратилган этимологик, қиёсий-тарихий, морфем, ўзбекча-форсча-арабча (кўп тилли) луғат, изоҳли луғат каби лексикографик ишларнинг юзага келишида, луғат тузиш тамойилларининг белгиланиши ва такомилига хизмат қилган илк лексикографик асар намунасидир.

8. Элбекнинг ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишидаги хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг этимологик кузатишлари, талқинлари, шева материалларини тўплаш, адабий тилни шевалардан олинган сўзлар билан бойитиш, сўз ясашда тилнинг ички имкониятларига таяниш ҳақидаги қарашлари бугунги тил сиёсати тамойилларига мутаносиблиги билан аҳамиятлидир.

9. Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида шарқшунослик ва туркийшунослик фанларининг ривожланиши таъсирида анъанавий луғатчилик билан бирга янгича йўналишдаги русча-ўзбекча, ўзбекча-русча, ўзбек тили бошқа хорижий тилларга чоғиштирилган луғатлар ҳам пайдо бўла бошлади. Исҳоқхон Ибратнинг «Луғоти ситта ал сина» луғатини мазмун-моҳияти билан ўша даврдаги янгича йўналишда, яъни ғарб луғатчилиги анъаналари таъсирида яратилган луғатлар сирасига киритиш мумкин. Бу луғат муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, ўша даврда «сафар аҳли» (саёҳатчилар) манфаатини кўзлаган ҳолда тузилган сўзлашгич бўлса-да, лингвистик манба сифатида шарқ ва ғарб луғатчилиги тамойилларини ўзида мужассамлаштирган.

10. Ўзбек луғатчилигининг жадидчилик давридаги тараққиётида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда яратилган умумфилологик характердаги турли таржима луғатлари қаторида маорифдаги янгича ўқитиш тизимида таълимий эҳтиёж туфайли ўқув луғатларининг ҳам яратилганлиги ва шу асосда ўқув луғатчилигининг шакллана бошлаганлиги давр луғатчилигининг муҳим белгиларини ўзида мужассамлаштиради.

11. XX асрнинг 20–30 - йилларидан бошлаб соҳалар терминларига алоқадор луғатлар шакллана бошлади. Назир Тўрақуловнинг «Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иқтисодий луғатчаси» бу йўналишдаги дастлабки иш эканлиги билан характерлидир. Луғат соҳа терминларини тартибга солишда ва бошқа соҳа терминологик луғатларини яратишда намуна сифатида ўзбек лексикографияси тарихида муҳим аҳамиятга эга.

12. Жадид намояндаларининг амалий лингвистик фаолияти ўзбек лексикографиясини янги сифат босқичига кўтарди. Бу даврда яратилган луғатлар, биринчидан, ўтмиш ва замон тажрибаларига асосланганлиги билан характерланади, уларда классик шарқ ва замонавий ғарб лексикографик амалиёти уйғунлашиб кетганлигини кўриш мумкин. Иккинчидан, асосан, бадиий асар тилини тушуниш учун хизмат қилган ўзбек мумтоз луғатларидан фарқли равишда жадид луғатлари кўпроқ тил ўргатиш ва тил таълими муаммолари билан боғланди. Жадид намояндалари тузган луғатлар ўзбек замонавий луғатчилигининг кейинги тараққиёти учун пойдевор вазифасини ўтади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.11.2018.Fil.46.03. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

**НОРМАМАТОВ СУЛТОНБЕК ЭРМАМАТОВИЧ**

# РОЛЬ ДЖАДИДСКИХ ПРОСВЕТИТЕЛЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОЙ ЛЕКСИКОГРАФИИ

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.4.DSc/Fil 100.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Института узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан (www.tai.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный консультант:** | **Тожиев Ёрмат**<br>доктор филологических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Холманова Зулхумор Турдиевна**<br>доктор филологических наук, профессор |
| | **Улуков Носиржон Мухаммадалиевич**<br>доктор филологических наук, профессор |
| | **Юлдашев Маъруфжон Мухаммаджонович**<br>доктор филологических наук |
| **Ведущая организация:** | **Самаркандский государственный университет** |

Защита диссертации состоится «___»_________2019 г. в_______часов на заседании Научного совета DSc.29.11.2018.Fil.46.03 по присуждению ученых степеней при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100060, г. Ташкент, проезд Шахрисабзский, дом 5. Тел.: (871) 233-36-50; факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № ___) Адрес: 700100, г. Ташкент, ул. Зиёлилар, дом 13. Тел.: (871) 262 - 74 - 58.

Автореферат диссертации разослан «____» _________ 2019 года.

(протокол реестра №_____ от «____» ______________ 2019 года.)

**Н.М.Махмудов**
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

**Ё.Р.Одилов**
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, старший научный сотрудник

**Д.С. Худойберганова**
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, старший научный сотрудник

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора науки (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом языкознании все большее внимание уделяется изучению истории лингвистического учения. Известно, что мировое языкознание XX века осуществило свой собственный, отдельный от других наук, успешный путь развития. Политическая ситуация начала века оставила определенный след в истории: большинство исследований данного периода в силу политической идеологии хранились за «закрытыми дверями», некоторыми из которых впоследствии было разрешено пользоваться для критического анализа. Усиление глобализации в последнюю четверть века создало огромные возможности для всесторонней объективной оценки достижений в недавнем прошлом политизированных и идеологизированных социальных наук, языкознания, и, в частности, лексикографии.

Лингвистическое учение в контексте мирового языкознания всегда развивалось в тесной связи с социальными требованиями. Социальный строй, мировоззрение и уровень сознания определяет необходимось изучения какого-либо аспекта источника, его методологических основ в соответствии с социальными нуждами и потребностями. Данный аспект также касается исследований и в области языкознания, в том числе, лексикографии. К тому же, по сравнению с фонетикой и грамматикой, дух времени, эпохи больше находит отражение в лексике, что, соответственно, влияет на создание лексикографических источников.

Национальное развитие и прогресс находят свое отражение в повышении статуса и влияния национального языка. «Исходя из требований сегодняшнего нового этапа развития Узбекистана – периода национального развития, проводится широкомасштабная работа по повышению роли и авторитета нашего родного языка в обществе»[1]. Осуществление в нашей стране широкомасштабных реформ по укреплению статуса узбекского языка в качестве государственного, принятие законов и решений по укреплению его роли послужили определенным толчком в углублении научных исследований в области языкознания. «Является естественным, что нынешний период глобализации каждый народ, каждое независимое государство придает приоритетное значение обеспечению своих национальных интересов, прежде всего, сохранению и развитию своей культуры, исконных ценностей, родного языка»[2]. И в этом отношении огромное значение приобретают исследования лингвистического наследия начала XX века, ставшего первой страницой в истории формирования и развития узбекского языкознания на уровне современной науки, способствуют возрождению национальных ценностей и обеспечению национальных интересов. Язык и языкознание данного периода широко изучается в узбекской лингвистической науке. Однако, вопросы

---

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4479 «О широком праздновании тридцатилетия принятия Закона Республики Узбекистан «О государственном языке» // Маърифат. – Ташкент, от 5 октября 2019 г. – № 77.

[2] Указ Президента Республики Ўзбекистан УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 г. // www.lex.uz

лексикографии этого периода до сих пор не получили должного системного исследования. Исходя из этого, изучение в работе монографического плана вопросов, связанных с историей формирования лексикографической науки, вклада джадидов в развитие узбекской лексикографии, лингвистической ценности созданных ими словарей, принципов составления словарей и методологических основ, а также их влияние на современную узбекскую лексикографию, определяет актуальность и обоснованность темы исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, отраженных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан, в частности, №УП-4797 от 13 мая 2016 года «Об организации деятельности Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», №УП-5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка»; №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», №ПП-4479 от 4 октября 2019 года «О широком праздновании тридцатилетия принятия Закона Республики Узбекистан «О государственном языке», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Пути формирования системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и просветительском развитии информационного общества и демократического государства и их воплощения».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[3].** Научные исследования по изучению движения джадидизма в Центральной Азии и созданной на основе этого движения литературы джадидов проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Columbia University, California University, Indiana University (США), London University, Oxford University (Великобритания), Berlin-Brandenburgische Akademie der Wissenschaften AV, Göttingen Universität, Berlin Universität, Humboldt Universität, Goethe Universität (Германия), Tokio University (Япония), Ìstanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Yildiz Teknik Üniversitesi, Gaziantep Üniversitesi (Турция), Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyasi Dilçilik Institutu (Азербайджан), а также в Ташкентском

[3] Обзор зарубежных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников: www.istanbul.edu.tr., www.utu.fi (en.ankara.edu.tr)., www.hu-berlin.de., www.wisc.edu., www.cambridge-centralasia.org и др.

государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

В результате научных исследований вопросов формирования и развития джадидизма в Центральной Азии, а также научных работ исторического, научно-литературного, лингвистического, социально-политического плана в мировом языкознании был получен целый ряд научных выводов, в частности: обоснованы такие вопросы, как формирование и развитие джадидизма в Туркистане, его идеологическая цель, направления, влияние на формирование политических течений в прессе (Columbia University, University of California, США); раскрыты корни джадидизма в Туркистане и политическая деятельность его крупных представителей (Indiana University, США); обоснована эффективность новых методов обучения, выдвинутых джадидитами в своих работах (Berlin University, Германия); раскрыты роль джадидов в формировании современной реалистической литературы, появление новых литературных типов и жанров, главная цель литературы, направленная на пробуждение нации (Tokio University, Япония); выявлены идеи джадидов, выдвигаемые по формированию общетюрского языка в художественных произведениях, деятельность членов «Чиғатой гурунги» по сближению литературного и живого разговорного языка (İstanbul Üniversitesi, Hacettepe Üniversitesi, Yildiz Teknik Üniversitesi, Gaziantep Üniversitesi (Турция); обоснованы мастерство некоторых писателей в использовании слова и средств художественной изобразительности и частично их лексикографическая деятельность (Институт узбекского языка, литературы и фольклора, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы, Узбекистан).

